

## Бу қандай ҳам улуғ шараф!



08:00 / 26.05.2019 2552

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ичингизда кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар алмашиб турадилар. Улар Бомдод намозида ва Аср намозида жамланиб турадилар. Сўнгра ичингизда тунаганлар кўтариладилар. Бас, Роббилари Ўзи билиб турса ҳам улардан:**

**«Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?», деб сўрайди. Улар:**

**«Уларни намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик. Ҳузурларига борганимизда ҳам намоз ўқиётган эканлар», дейишади», дедилар».**

*Икки Шайх ва Насайй ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ҳадиси шарифда зикри келаётган фаришталар бандаларни муҳофаза қилиш учун ер юзига навбат билан тушиб турадилар. Кундузи муҳофаза қилиш учун алоҳида фаришталар бор, кечаси муҳофаза қилиш учун алоҳида фаришталар бор. Улар Бомдод ва Аср намозлари вақтида алмашадилар.

Бомдод намози вақтида тунги фаришталар кўтарилиб, кундузги фаришталар муҳофаза учун тушадилар. Ана шу вақтда икки тоифа фаришталар жамланиб, бир-бирлари билан кўришадилар.

Аср намозиде эса бандаларни кундузи муҳофаза қилган фаришталар кўтарилиб, кечаси муҳофаза қиладиган фаришталар тушадилар. Бу пайтда ҳам икки тоифа фаришталар бир-бирлари билан учрашадилар.

Бандаларнинг ичида юрган фаришталар кўтарилганларида Аллоҳ таоло Ўзи билиб турса ҳам фаришталардан:

«Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўраши намозхон инсоннинг шаънини олий мақомга – Аллоҳнинг ҳузурига, Аллоҳга муқарраб фаришталар даражасига кўтаришдир. Бу эса намознинг ўта улкан ва фазилатли ибодат эканлигидандир.

Қаранг, намоз ўқиган одам ҳар куни икки марта Аллоҳ билан фаришталар ўртасидаги суҳбатда зикр қилинар экан. Бу қандай улуғ шараф! Кишилар бирорта амалдор у ҳақда таниш-билишидан: «Фалончи тинч юрибдимми?» деб сўраб қўйса, қанча вақт мақтаниб юрадилар. Намозхонни эса Аллоҳ таоло ҳар куни фаришталардан икки марта: «Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрар экан. Фаришталар эса «Намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик», деб жавоб берар эканлар. Намоз ўқимаганлар эса бу бахтдан бебаҳрадилар.

Шунинг учун ҳам намозни канда қилмайлик, ҳар куни Аллоҳ таоло томонидан икки маҳал ҳол-аҳволи сўраладиган бандалар қаторида бўлишга интилайлик.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**